



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING
BUYRUG‘I

2021 yil “13” 08

№ 198

Toshkent sh.

**“Тиббиёт муассасалари реестри” ва “Кадр ресурсларини бошқариш”
ахборот тизимларини тажрибавий синовдан ўтказиш тўғрисида**

“Тиббиёт муассасалари реестри” ва “Кадр ресурсларини бошқариш” ахборот тизимларини Сирдарё вилоятида барча тиббиёт муассасаларида тажрибавий синовдан ўтказиш мақсадида **буюраман:**

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “IT-Med” масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқилган “Тиббиёт муассасалари реестри” ва “Кадр ресурсларини бошқариш” ахборот тизимлари (кейинги ўринларда “Ахборот тизимлари”) 2021 йилнинг 15 августидан 15 октябрга қадар Сирдарё вилоятининг барча тиббиёт муассасаларида тажрибавий синовдан ўтказилсин.

2. Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш бўлими (С.Зиядуллаев), Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси (Р.Юлдашев) тизимларни **10 кун** муддатда Сирдарё вилояти давлат тиббиёт муассасаларининг тегишли барча бўлимлари компьютерларига боғланиш ишларини амалга оширсин.

3. “IT-Med” масъулияти чекланган жамияти (Б.Хасанов)га:

Ахборот тизимлардан фойдаланиш ва маълумотлар базасини шакллантириш бўйича ўқув машғулотлари ташкил қилиш;

бир ҳафта муддатда тизимларни ишлатиш бўйича Қўлланма ишлаб чиқиш, барча давлат тиббиёт муассасаларига юбориш ҳамда тизим таркибига жойлаштириш;

тизимнинг ишлаш жараёнини доимий кузатувга олиш, аниқланган техник носозлик ва камчиликларни тажрибавий фойдаланиш жараёнида тўлиқ бартараф этиш вазифалари юклатилсин.

4. Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси (Р.Юлдашев), Кадрлар бошқармаси (С.Пулатов)га:

тиббий муассасалар ходимлари тўғрисидаги маълумотларни Ахборот тизимларига жорий йил 10 сентябрга қадар тўлиқ киритилишини таъминлаш ва келгусида маълумотларни доимий янгилаб бориш;

синов жараёнида Ахборот тизимлари маълумотлар базаси ҳамда ҳисоботларнинг шаклланиши, шунингдек аниқланган техник носозлик ва камчиликлар тўғрисида **ойнинг ҳар 10 кунда** Соғлиқни сақлаш вазирлигига ахборот ва таклифлар киритиб бориш вазифаси юклансин.

5. Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш бўлими (С.Зиядуллаев), Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси (Р.Юлдашев)га вилоятдаги барча тиббиёт муассасалари тўғрисидаги маълумотларни жамлаб **2021 йил 20 август кунига қадар** Ахборот тизимига киритиш ва келгусида бу каби маълумотларни мунтазам равишда тақдим этиш ҳамда тизимига киритилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

6. Белгилансинки, Ахборот тизимларига киритилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳақиқийлиги учун, жавобгар этиб тайинланган масъул ходимлар ҳисобланади.

7. Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш бўлими (С.Зиядуллаев), Кадрлар бошқармаси (С.Пулатов) ва “IT-Med” масъулияти чекланган жамияти (Б.Хасанов) Ахборот тизимлари бўйича асослантирилган таклиф ва эътирозлардан келиб чиққан ҳолда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб, амалиётга жорий этиш юзасидан **2021 йил 15 октябрга қадар** Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбариятига таклиф киритсин.

8. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари А.Азизов зиммасига юклансин.

Вазир



А.Хаджибаев